

Гидрологик тавсифларни умумлаштириш усуллари

Режа:

- Оқимнинг изочизик хариталари;
- Худудларни районлаштириш;
- Гидрологик маълумотларни график қайта ишлаш.

Мавзунинг мазмуни

Гидрологик тавсифларни хисоблаш маълум гидрометрик кузатиш жойи учун хусусий ҳол ҳисобланади (яъни маълумотлар мавжудлигида). Лекин амалиётда кўп ҳолларда гидрометрик маълумотлар ҳар турли бўлган ҳолатлар (етарли эмас ёки умуман йуқ) кузатилади. Бундай ҳолатларда аник гидрометрик кузатиш тармоқларидаги мавжуд узоқ муддатли маълумотларидан фойдаланиш куйидаги усуллар ёрдамида умумлаштирилади :

- Гидрологик хариталар (оқимнинг изочизиқ хариталари, изохрон хариталар, худудий хариталар;
- Граффик ва жадваллар;
-

Оқимнинг изочиқ хариталари

Гидрологик маълумотлар умумлаштиришнинг энг асосий усуллари оқимнинг изочизик хариталаридан фойдаланиш усули хисобланади.

Изочизик хариталари:

- Йиллик оқимни хисоблаш;
- Мавсумий оқимни хисоблаш;
- Максимал ва минимал оқимни хисоблаш;
- Лойқа оқизиклар оқимини хисоблаш
- Худуднинг мавжуд сув ресурсларини баҳолаш;
- Худуднинг сув балансини баҳолашда кенг фойдаланилади.

Оқим изочизиқ хариталарини қуришнинг табiiй – географик асослари

Хариталарни қуриш бевосита **оқим майдонлари** ва унинг табiiй – географик зоналар билан боғлиқлиги ифодалайди.

Оқим майдони бу- табiiй объект, яъни дарё ҳавзаси ёки бирор бир ҳудуднинг бир қисми бўлиб унда бирон бир физик жараён кўрилади.

Оқим майдони табiiй шароитда мураккаб тизим ҳисобланади. Йирик масштабдаги хариталардан фойданилганда ушбу оқим майдонлари элементар оқим майдончаларига бўлинади.

Масалан: Йирик дарё ҳавзаларидан кичик сув йиғиш майдонлари ажратиб олинади.

Оқим майдони физик маноси **потенциал** ва
кучланганлик

Потенциал - дарёнинг бир створидан иккинчи
створига **сув** массасининг кўчиб ўтиши.

Кучланганлик – ташқи кучларнинг(градиент)
нотекислиги

Оқим изочизиқ хариталари ёрдамида аниқланган маълумотларнинг ИШОНЧЛИЛИГИ

- Гидрометрик маълумотларнинг хатолиги;
- Хариталарни тузишда кузатиш қаторларининг давомийлиги;
- Оқимнинг вақт бўйича ўзгарувчанлиги (вариация коэффиценти);
- Гидрометрик тармоқларнинг зичлиги;
- Рельефнинг бир хиллиги
- Харита масштаби
- Оқим миқдори ва изочизиқ қадами;
- Оқимга антропоген таъсирларнинг хисобга олиш даражаси;
- Хариталарни тузиш ва улардан фойдаланишда изочизиқларни туғри ўтказилганлиги ва оқим майдонинг уртасини туғри аниқланганлиги;
- Полиграфик ва картографик асосларнинг аниклиги ва ишончилиги.

Ҳудудларни районлаштириш

Ҳудудларни районлаштириш географик тадқиқотларнинг энг асосий ва муҳим усуллари ҳисобланади.

Ҳудудларни районлаштириш гидрологик тадқиқотларда гидрологик тавсифларнинг сифати ва миқдорини аниқлашдаги усул ҳисобланади.

Худудий районлаштириш:

гидрологик объектларни тўрли хил белгилари бўйича класификацилашда фойдаланилади.

Районлаштириш ёрдамида оқим ва оқизиклар оқимини ҳисобланади.

Изочизик хариталари ва худудни районлаштиришнинг бир-биридан фарқи нимада деб ўйлайсиз?

фарқи

Оқимнинг изочизик хариталарида оқимнинг зонал кўрсаткичлари, яъни табиий – иқлим шароитлари кўрсатилади. Демак оқим шаклланишининг маҳаллий (азонал) хусусиятлари ҳисобга олинмайди.

Шунинг учун кичик дарёларнинг оқимини аниқлашда, яъни оқими маҳаллий омиллар таъсирида шаклланадиган дарёлар.

Худудни районлаштириш принциплари

- Географияда районлаштириш усули энг асосий умумлаштириш усулларида бири ҳисобланади. Худудни районлаштиришда типологик, генетик ва функционал ёндашувлардан фойдаланилади

Типологик ёндашув

Ўшбу ёндашув бўйича маълум бир белгилари (асосан морфологик кўрсаткичлари) бўйича объектлар бирлаштирилади

Мисол. Ботқоқлик ёки кулли ҳудудлар, ёки усимлик билан қопланганлик даражаси бўйича ажратиб олинади

Генетик ёндашув

Ўз номи билан оқимнинг ҳосил бўлишига таъсир кўрсатадиган омилларнинг бир хиллигидан фойдаланиб объектлар бирлаштирилади.

Мисол. Дарёларнинг тўйиниш манбаининг бир хиллигидан фойдаланиб.

Функционал ёндашув

Объектлар ўртасидаги боғлиқлик ўрганилади.
Функционал ёндашув турли хил лекин ўзаро
боғлиқ табиий объектларни ягона тизим бўйича
бирлаштиради.

Гидрологик маълумотларни график қайта ишлаш
